

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ҚАТНАШУВЧИ
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ
КУЗАТУВЧИЛАРИ УЧУН
ЭСЛАТМА**

Тошкент
«O‘zbekiston»
2016

УЎК: 342.573
КБК 67.400.5(5Ў)
Ў 32

**Ўзбекистон Республикаси Президент-
Ў 32 ти сайловида қатнашувчи сиёсий партия-
ларнинг кузатувчилари учун эслатма.** –
Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016, – 24 б.

ISBN 978-9943-28-892-8

УЎК: 342.573
КБК 67.400.5(5Ў)

ISBN 978-9943-28-892-8

© Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси, 2016
© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловида қатнашувчи сиёсий
партияларнинг кузатувчилари учун
ЭСЛАТМА**

Ушбу эслатмада Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар кузатувчиларининг (кейинги ўринларда кузатувчи деб юритилади) ҳуқуқий мақоми, кузатувчилар рўйхатини шакллантириш, кузатувчиларнинг ваколатлари ҳамда фаолият юритиш тартибини белгилайдиган асосий қоидалар баён этилган.

I. Умумий қоидалар

1. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод

кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

2. Кузатувнинг мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда партия манфаатларини кўзлаб, сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

3. Сайлов комиссиялари кузатувчига у мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатгандан сўнг, ўз ваколатларини тўлақонли ва тўсқинликсиз амалга ошириши учун имконият яратиб беради.

4. Сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд сиёсий партияга хайрихоҳ бўлган ҳар қандай Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси кузатувчи бўлиши мумкин.

II. Кузатувчилар рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш

5. Кузатувчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаётган сиёсий партияларнинг туман

(шаҳар) ташкилотлари томонидан тегишли ҳудуддаги сайлов участкалари сонидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиёга сайловда иштирок этишга ижозат берилгандан кейин шакллантирилади.

6. Туман (шаҳар) партиё ташкилоти кузатувчилар рўйхатини кузатувчиликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ва иш жойини кўрсатган ҳолда шакллантириб, ушбу рўйхатга уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки бошқа ҳужжат) нусхаси, 3 x 4 см ҳажмдаги икки дона фото суратини илова қилган ҳолда тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар (ҳудудий) партиё ташкилотига тақдим этади.

7. Ҳудудий партиё ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ушбу сиёсий партиядан кўрсатилган номзод рўйхатга олинган кундан бошлаб сайловга камида ўн беш кун қолгунга қадар округ сайлов комиссиясига сиё-

сий партиянинг кузатувчиларига оид хужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.

8. Округ сайлов комиссияси ҳудудий партия ташкилотининг аризасини олгандан кейин беш кун ичида кузатувчи учун мандат беради. Мандат намунаси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Бунда мандатда сиёсий партияни бошқа сиёсий партиядан фарқлаш учун алоҳида белгилар (мандат ранги ёки бошқа) акс эттирилиши мумкин.

Кузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, овоз бериш куни кузатувчи учун берилган мандатни кўксига тақиб юриши шарт.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан такрорий овоз бериш ёки такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, кузатувчилар мандатининг амал қилиш муддати округ сайлов комиссияси томонидан узайтирилади.

10. Ҳудудий партия ташкилоти округ сайлов комиссиясидан мандатларни олгандан сўнг, уларни дарҳол кузатувчиларга етказилишини таъминлайди.

III. Кузатувчиларнинг ваколатлари

11. Кузатувчи:

сайлов комиссияларининг мажлисла-рида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда сайловга тайёргарлик ишларининг боришини, сайлов қутилариининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

тегишли сайлов комиссиясидан сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини сўраб олиш;

агар сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғри-

сида»ги Қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш;

сайлов комиссиялари аъзоларини уларнинг ишига аралашмаган ҳолда ўз кузатувларидан, тавсияларидан хабардор қилиш;

кузатувни амалга ошириш пайтида фото қайд этиш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Кузатувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

12. Кузатувчи:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига амал қилиши;

барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларга ташриф буюрганларида ёнларида уларга берилган мандатни ҳамда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни олиб юриши

хамда мансабдор шахслар талабига мувофиқ уларни кўрсатиши;

сиёсий бетарафлик, беғаразлик, сайловчиларга, давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, сайлов жараёни иштирокчиларига нисбатан у ёки бу тарзда афзаллик билдиришдан ўзини тийиш принципларига амал қилган ҳолда ўз вазифаларини бажариши;

сайлов жараёнига аралашмаслиги;

ўз хулосаларини шахсан ўтказган қузатувчи ва ҳаққоний материали билан асослаши;

овоз бериш тугагунига қадар фуқаролар хоҳиш-иродаси эркинлигига таъсир кўрсатиши, шу жумладан, ўз манфаатларини ифода этаётган сиёсий партиядан кўрсатилган номзодга овоз беришга даъват этишдан ўзини тийиши шарт.

13. Қузатувчига қуйидагилар ман этилади:

сайлов комиссияси ишига халақит берадиган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

сайловчиларга сайлов бюллетенларини бериш, сайлов бюллетенларини олиш-

да сайловчи ўрнига, шу жумладан, унинг илтимосига кўра имзо қўйиш;

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга (сайлов варақасига) белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқиладиганда аралashi.

14. Кузатувчи Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаган тақдирда, участка сайлов комиссиясининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссияси унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

IV. Кузатув жараёни

15. Кузатув жараёни куйидаги 2 даврга бўлинади:

дастлабки кузатув даври;
асосий кузатув даври.

16. Дастлабки кузатув даври – сайлов кунига қадар бўлган, шу жумладан, муддатидан олдин овоз беришдаги кузатувни амалга ошириш даври.

Бунда кузатувчи томонидан округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайловолди ташвиқоти вақтида ҳамда овоз беришдан бир кун олдин сиёсий партия манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кузатув амалга оширилади.

17. Дастлабки кузатув даврида кузатувчи сайлов участкаларининг овоз бериш жараёнларига тайёргарлик кўриш даражасини, шу жумладан, тайёргарлик ишларининг бориши, овоз бериш учун кабиналар ва сайлов қутиларининг жойлаштирилишини ҳамда сайловолди ташвиқоти жараёнларида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини кузатади.

18. Кузатувчи ўзи кузатиши лозим бўлган сайлов комиссиясининг жойлашган манзили ва телефон рақамини, комиссия аъзолари ҳақидаги маълумотларни олдиндан аниқлаб олиши лозим.

19. Участка сайлов комиссияларининг манзили ва телефон рақамлари маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ҳамда сайлов округлари кесимида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтига (www.elections.uz) жойлаштирилади.

20. Асосий кузатув даври – участка сайлов комиссияси овоз бериш куни ўз ишини бошлаган пайтдан то сайлов натижалари ҳақидаги баённома имзоланиб, кузатувчи томонидан унинг нусхаси олингунга қадар бўлган вақт.

21. Овоз бериш куни сайлов участкаси соат 6:00 дан очилади. Кузатувчи сайлов участкасига соат 6:00 да келиши ва ўз фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириши мумкин.

22. Кузатувчига участка сайлов комиссияси раиси ва бошқа аъзолари ҳамда

бошқа сиёсий партияларнинг кузатувчилари билан танишиб олиш тавсия этилади.

23. Кузатувчи:

овоз бериш биносида бўлаётган воқеаларни кузатиш учун қулай бўлган жойни эгаллаши;

участка сайлов комиссияси белгиланган тартибда жиҳозлангани, барча материаллар ва ускуналар борлигини текшириши;

сайлов бюллетенларининг сони рўйхатга олинган сайловчилар сонидан 0,5 фоиз кўп эмаслигига ишонч ҳосил қилиши;

сайлов участкаси соат нечада очилганини қайд этиши, агар сайлов участкаси соат 6:00 дан кейин очилса, бунинг сабаби сайлов участкаси очилган вақтини қайд этиши керак.

24. Асосий кузатув даврида кузатувчи ҳар бир сайловчининг шахсан овоз беришини, бюллетеннинг кабинада ёки яширин овоз бериш учун махсус жиҳозланган хонада тўлдирилишини ҳамда кабинада ёки яширин овоз бериш учун махсус

жиҳозланган хонада бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслигини кузатади.

Кузатувчи асосий кузатув даврида, шунингдек, яна қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

сайловчи ўзига тегишли шахсий ҳужжати (паспорт)ни тақдим қилаётганига ишонч ҳосил қилиши;

сайловчининг исм-шарифи сайловчилар рўйхатига киритилганига ишонч ҳосил қилиши;

сайловчи фақат ўзи учун битта бюллетень олганига ишонч ҳосил қилиши;

сайлов қутисига фақат битта бюллетень ташланганига ишонч ҳосил қилиши;

қайта овоз бериш эҳтимолининг олдини олиш учун сайловчиларни кузатиб бориши;

бюллетень олган ва овоз бериб бўлган барча сайловчиларни санаб бориши;

бу талаблар бузилганда тегишли чоралар кўриш, бузилишлар ҳақида далолатномалар тузиш, участка сайлов комис-

сиясининг раисини хабардор қилиш, шикоят хати ёзиш ҳуқуқидан фойдаланиши;

саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмаган сайловчиларнинг муружаатларига асосан участка сайлов комиссияси томонидан овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этилишини ҳамда комиссия аъзоларига фақат зарур миқдордаги бюллетенлар берилишини.

25. Асосий кузатув даврининг муҳим босқичларидан бири овоз беришнинг тугаши, овоз бериш натижаларини аниқлаш давридир.

Бу босқичда кузатувчи:

участка сайлов комиссияси ишига халақит бермаган ҳолда овоз бериш натижаларини аниқлаш жараёнини кузатади;

фойдаланилмаган бюллетенларнинг сони аниқлангани ва бекор қилинганига ишонч ҳосил қилади;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сони аниқланадиган жараёнга эътибор қаратади;

кўчма қутилардан олинган бюллетенларнинг миқдори мазкур қутилар воқитида овоз берган сайловчиларнинг аризалари ва оғзаки мурожаат қилган сайловчилар сонидан кўп эмаслигига ишонч ҳосил қилади;

бюллетенлар тахламини кўздан кечириш ҳамда уларни тўғри саналиши ва ёзиб борилишини диққат билан кузатади, бузилишларга йўл қўйилса, қайд этиб боради;

участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари, шу жумладан, раис ва котиб овоз бериш яқунларига оид баённомага ручка билан имзо қўйганига ва муҳр билан тасдиқлаганига ишонч ҳосил қилади;

овозларни санаб чиқиш натижалари эълон қилиниши ва овоз бериш яқунлари тўғрисидаги маълумот баённомага киритилганлигини кузатади.

V. Участка сайлов комиссияси ва кузатувчиларнинг ҳамкорлиги

26. Овоз беришни ташкил этиш, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш яқунлари

тўғрисидаги баённомани тузиш билан боғлиқ барча масалаларга участка сайлов комиссиясининг раиси жавоб беради.

27. Комиссия раисининг ўз ваколатлари доирасида берган фармойишлари овоз бериш биносида барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир.

28. Овоз бериш куни эрталаб соат 6:00 да участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш жараёни бошланганлигини эълон қилади ҳамда комиссия аъзолари, кузатувчилар ва бошқа шахсларга кўчма ва стационар сайлов қутиларининг бўш эканлигини кўрсатади. Шундан сўнг, қутилар участка сайлов комиссияси томонидан пломбаланади ёки муҳрланади ва кузатувчиларга кўрсатилади.

29. Овоз бериш жараёни якунига етгач, овозларни санаб чиқиш комиссия томонидан очиқ ва ошкора амалга оширилади. Бунда овоз бериш биносида сиёсий партияларнинг кузатувчилари билан бирга оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда хорижий (халқаро) кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

30. Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс эттирилади.

Кузатувчи баённомадан нусха кўчириб беришни илтимос қилиши мумкин.

VI. Кузатувчининг одоб қоидалари

31. Кузатувчи қуйидагиларга эътибор бериши шарт:

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларда фаол иштирок этиши;

комиссия таркиби билан танишиши ва сайлов участкасида комиссия аъзолари, бошқа сиёсий партиянинг кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан яхши муносабатларни йўлга қўйиши;

баҳсли, мунозарали ҳолатлар юзага келганда ўз ҳуқуқларини миллий сайлов қонунчилигига асосан амалга ошириши.

VII. Якуний қондалар

32. Сайлов қонунчилигини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, кузатувчи қонунга асосланган ҳолда бу ҳолатга сайлов комиссияси раисининг эътиборини қаратиши лозим.

33. Сайлов комиссияси раиси томонидан мазкур ҳолат бўйича ҳеч қандай чора кўрилмаган тақдирда, кузатувчи йўл кўйилган қонунбузилишлари ҳақида зудлик билан округ сайлов комиссиясига шикоят қилиш ёки далолатнома тузиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузадиган ваколатли мансабдор шахсга мурожаат қилиши зарур (1, 2 иловалар – тавсиявий шакллар).

1-илова

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловини
ўтказувчи _____ округ сайлов
комиссияси раисига

**Сайлов қонунчилиги бузилганлиги
тўғрисида
ШИКОЯТ**

Мен, _____ партия номи _____
сиёсий _____ партиясининг кузатувчиси
_____ Ф.И.О. _____ шуни
маълум қиламанки, 20__ йил «__»
_____ куни овоз бериш жараёнида (овоз
бериш натижаларини аниқлаш пайтида)
Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайлови бўйича _____ сайлов округи,
_____ сайлов участкасида сайлов
қонунчилиги бузилишига йўл қўйилди, бу
қуйидагиларда намоён бўлди:

Юқорида баён этилганларни маълум қилар эканмиз, участка сайлов комиссияси томонидан қонун бузилишларга чек қўйиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича зудлик билан чоралар кўришни сўраймиз.

Кузатувчи: _____
имзо Ф.И.О.

Холис: _____
имзо Ф.И.О.

20 ____ йил «__» _____ соат ____ дақиқа

**Овоз бериш жараёнида _____
сайлов округи, _____-сайлов
участкасида сайлов қонунчилиги
бузилганлиги тўғрисида**

ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қуйида имзо чекувчилар:

1. Сиёсий партия томонидан тайин-
ланган кузатувчи _____

(кузатувчининг Ф.И.О.)

2. Сайловчи _____

(Ф.И.О., яшаш жойи манзили)

3. Сайловчи _____

(Ф.И.О., яшаш жойи манзили)

20___ йил «___»_____ соат
___да _____ сайлов округи,
_____ - сайлов участкасида қуйидаги қонун
бузилишларга йўл қўйилганлигини маълум
қиламиз:

Ушбу далолатнома 20___ йил
«___» _____ соат ___да бизнинг
иштирокимизда тузилди ва имзоланди.

(имзо)

(имзо)

(имзо)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИДА ҚАТНАШУВЧИ СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАРНИНГ КУЗАТУВЧИЛАРИ УЧУН
ЭСЛАТМА**

Нашр учун масъул *А. Файзуллаев*
Бадий муҳаррир *Ш. Ходжаев*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Мусахҳих *С. Салоҳутдинова*
Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*
Компьютерда саҳифаловчи *А. Сулаймонов*

Наشريёт лицензияси АИ № 158. 14.08.2009.
Босишга 2016 йил 1 ноябрда рухсат этилди.
Бичими 70x90 ^{1/32}. Офсет қоғози.
«Times New Roman» гарнитурасида офсет
усулида босилди. Шартли босма табоғи 0,88.
Нашр табоғи 0,63. Адади 37 512 нусха.
Буюртма № 16-668.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz